



Илк турк мутасаввифи, яссавийлик (жахрийлик) тарикатининг асосчиси, орифона шеърият бошловчиси. 11 асрнинг сўнгида Туркистоннинг Ясси (айрим манбаларда Сайрам) кишлогига Шайх Иброхим оиласида тугилган. Шайх Арслонбобдан таълим олган. Бухорода Юсуф Хамадонийга учинчи халфа бўлган, шайхликни Хамадонийнинг тўртинчи халфаси Абдухолик Гиждувонийга топшириб, Яссига кайтган. Олтмиш уч ёшида чиллахона каздириб, “буюк турк пири оламдан этакни силккан” (Алишер Навоий). Яссавийлик тарикатининг асослари “Факрнома” (айримлар Яссавийга нисбат берадилар), “Маслакул-орифин”, “Ламаъот”, “Самаратул-машойих”, “Жавохирул-аброр” каби манкаба ва рисоаларда акс этган.

“Девони хикмат” китоб шогирдлари томонидан тартиб берилган. Унда илохий ишк гоёси ва маърифий мазмун етакчилик килади. Хикматлар маъно ва мохият эътибори билан Куръони карим ва Мухаммад алайхиссалом хадисларига чуқур боғланган. “Девони хикмат”нинг 20дан ортик нусхалари ЎРФАШИ жамгармасида сақланади. Асар кўлёмаларидан энг қадимгиси 17 асрга тегишли.

Яссавий мероси ва тарикати хорижда Л. Массигнон, А. Арберри, М. Смитт, Х. Кислинг, Ф. Маер, А. Шиммел, Р. Хартман, Ф. Кўпрулу, Ж. Тримингем, К. Эраслон, Идрис Шох, Девин Ди Уис; Россияда А. Кримский, И. Петрушевский, Э. Бертелс; Ўзбекистонда Фитрат, А. Саъдий, Э. Рустамов, Б. Косимов, И. Хаккулов, Н. Хасанов томонидан ўрганилган.

Қабри Козогистоннинг Туркистон шаҳрида, 14 асрда Амир Темур томонидан таъмирланган. Туркистонда Ахмад Яссавий номидаги турк-козок университети мавжуд.

#### **Нашр қилинган манбалар:**

Ахмад Яссавий. Хикматлар (нашрга тайёрл. И Хаккул. – Т.: 1991).

Ахмад Яссавий. Девони хикмат (нашрга тайёрл. А.Абдушукуров). – Т.:1992.

Ўзбек адабиёти намуналари (туз. проф. Фитрат). – Т.: 1928;

Ахмад Яссавийнинг янги топилган хикматлари. “Жахон адабиёти” журн. 2002, № 10.

#### **Илмий адабиёт:**

Фитрат. Ахмад Яссавий. “Танланган асарлар” (нашрга тайёрл.Х.Болтабоев). 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000;

А.Саъдий. Яссавий ким эди? (нашрга тайёрл. Б. Дўстқораев) –Т.: 1994.

Е. Рустамов. Ахмад Яссавий хикматларида тарих ва ҳаёт садоси. “Ўзбек тили ва адабиёти” журн. 1972, № 4-5;

И.Хаккул. Ахмад Яссавий. Ҳаёти ва ижод йўли. — Т.: 2001.

Н.Хасанов. Туркияда яссавийшунослик. –Т.:1999.